



SHAROF RASHIDOV – THE GREAT SON OF THE UZBEK PEOPLE

R.R. Nurkulova

Associate Professor of the Department of History of Uzbekistan
Faculty of History, Jizzakh State Pedagogical University named after Abdulla Qodiriy
Honored Worker of Public Education of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: “Markaz”, Uzbekistan, Sh.R. Rashidov, Mirzachul, Jizzakh, Karshi, Guliston, Bostan, Marjonbuloq, “Istiqlol” Palace, 1966 earthquake, New Tashkent, Sh.R. Rashidov diplomat, “Rashidovism”, “Cotton work”, “Uzbek work”, Independence.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: This scientific article highlights the complex situation in Uzbekistan during the Soviet era and the contributions of the prominent statesman and writer Sh.R. Rashidov to the development of the republic’s agriculture, industry, and culture. The article describes the development of dry lands in Mirzachul, Karshi, Jizzakh, and Surkhan-Sharobod during the years when Sh.R. Rashidov led the republic, the reconstruction of Tashkent after the earthquake, the construction of the Tashkent Metro, and the building of the “Istiqlol” Palace. The article also examines the role of the prominent statesman and writer Sh.R. Rashidov in Uzbekistan’s history and the importance of studying his legacy in educating young people in the spirit of patriotism.

ШАРОФ РАШИДОВ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

Р.Р. Нуркулова

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети
тарих факультети ўзбекистон тарихи кафедрасининг доценти
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “Марказ”, Ўзбекистон, Ш.Р.Рашидов, Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Гулистон, Бўстон, Маржонбулоқ, “Истиқлол” саройи, 1966 йилги zilзила, Янги Тошкент, Ш.Р.рашидов дипломат, “Рашидовчилик”, “Пахта иши”, “Ўзбеклар

Аннотация: Ушбу илмий мақолада советлар даврида Ўзбекистондаги мураккаб вазият, атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш.Р.Рашидовнинг республика кишлоқ хўжалиги, саноати ва маданияти ривожлантиришга қўшган ҳиссаси

иши”, Мустақиллик.

ёритилган. Мақолада республикага Ш.Р.Рашидов раҳбарлик қилган йилларда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Сурхон-Шерободда қуруқ ерларнинг ўзлаштирилиши ҳамда зилзиладан кейинги янги Тошкентнинг барпо этилиши, Тошкент метрополитенининг қурилиши, “Истиклол” саройининг бунёд этиш кўрсатилган. Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Ш.Р.Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уни ўрганишнинг аҳамияти ёритиб берилган.

ШАРОФ РАШИДОВ – ВЕЛИКИЙ СЫН УЗБЕКСКОГО НАРОДА

Р.Р. Нуркулова

Доцент кафедры истории Узбекистана, исторический факультет

Джизакский государственный педагогический университет имени Абдуллы Кадырия

Заслуженный работник народного образования Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: “Марказ”, Узбекистан, Ш.Р. Рашидов, Мирзачул, Жиззах, Карши, Гулистон, Бостан, Марджонбулок, дворец “Истиклол”, землетрясение 1966 года, Новый Ташкент, Ш.Р. Рашидов дипломат, “Рашидовизм”, “Хлопковое дело”, “Дело узбеков”, Независимость.

Аннотация: В данной научной статье освещается сложная ситуация в Узбекистане в советский период, а также вклад известного государственного и общественного деятеля, писателя Ш.Р. Рашидова в развитие сельского хозяйства, промышленности и культуры республики. В статье описано освоение пустующих земель в Мирзачуле, Карши, Жиззахе и Сурхон-Шеробод в годы руководства республикой Ш.Р. Рашидова, восстановление Ташкента после землетрясения, строительство Ташкентского метрополитена и возведение дворца “Истиклол”. Также рассматривается роль выдающегося государственного деятеля и писателя Ш.Р. Рашидова в истории Узбекистана и важность изучения его наследия для воспитания молодежи в духе патриотизма.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва серқирра истеъдод соҳиби Шароф Рашидовнинг номи ва фаолияти, ўзбек халқининг ҳаёти ва тарихи билан мустаҳкам боғланган бўлиб, уларни алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди.

Шароф Рашидов катта раҳбарлик маҳорати, улкан билими, бой хотираси, ноёб иқтидори, юксак маданияти, олийжаноблиги ва ҳалоллиги, ғайрат шижоати,

меҳрибонлиги ва камтаринлиги каби фазилатлари билан халқимиз қалбидан муносиб ўрин эгаллади.

У ўзининг 66 йиллик қисқа умрининг 33 йилини республикада раҳбарли лавозимларида ишлаб, ўзининг бутун қобилияти, билим-иқтидори ва салоҳиятини халқимизнинг фаровонлигига, унинг дардларига дармон бўлишга ва республикамизнинг тараққиётига бағишлади.

Шароф Рашидов ўттиз уч ёшда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида ишлашга муваффақ бўлди. Таъкидлаш жоизки, Собик СССР тарихида бу ёшда ҳеч ким бундай олий лавозимга эришмаган эди.

Таъкидлаш жоизки, собик СССР тарихида бу ёшда ҳали ҳеч ким олий ҳокимият эгаси бўлмаган эди. Шароф Рашидов 1959 йилда ўша даврнинг энг юксак лавозими ҳисобланган, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада умрининг охиригача сабот ва матонат билан хизмат қилиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Марказнинг таъқибу – тазйиқларига қарамай, бу йилда барча имкониятлардан фойдаланди. Ўша оғир даврнинг қийинчиликларини мардона енгиб, халқнинг фаровонлиги, республиканинг тараққиёти йўлида, ҳатто азиз жонини ҳам фидо қилди. Шу боис ҳам, ўзбек халқининг ардоқли фарзанди Шароф Рашидов ўзининг буюк хизматлари билан халқимиз юрагидан абадий яшаб, унинг буюк номи эса Ўзбекистон тарихий зарварақларидан муносиб ўрин эгаллади.

Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг истиқлоли ва порлоқ истиқболига катта умид ва ишонч билан яшади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов айтганларидек: “Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган давлат арбобларидан эди”.

Биз ушбу мақолада атоқли давлат ва жамоат арбоби ва тариқли ёзувчи Ш.Р.Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталар эканмиз, у киши яшаган ва фаолият кўрсатган даврда республикамиздаги ҳаёт ниҳоятда мураккаб эканлигини, Ўзбекистон собик СССР таркибидаги иттифокдош республикалардан бири бўлганлигини, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти эса “Марказ”, яъни Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг Марказий Қўмитасига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ш.Р.Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби бўлиб шаклланиш, камол топиш ва фаолияти собик шўролар даврида оғир бир замонда кечди. Ш.Рашидов республикага қарийб чорак аср раҳбарлик қилди. У мавжуд тузумга садоқат билан хизмат қилди. Бироқ

энг оғир шароитларда ҳам Шароф Рашидов халқ фарзанди сифатида Ватан олдидаги ўз бурчини ҳалол бажарди. Марказдан келган буйруқларни имкони борича юмшатишга, халқимиз фаровонлиги ва республикаимиз тараққиёти учун пул ва маблағ ундиришга ҳаракат қилди. У бир томондан миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан эса Марказ буйруқларини ҳаётга татбиқ этишга мажбур эди.

Шу ўринда чуқур изтироб билан таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг сеvimли фарзанди, республикаимизнинг атоқли давлат ва жамият арбоби Ш.Р.Рашидов вафот этганида, ўзи умр бўйи ҳимоя қилган тузум унга хиёнат билан жавоб берди. Хатто шу даражага етиб бордиларки, унинг руҳини безовта қилиб, жасадини кўчирдилар. Ўша даврдаги мансабпараст, хушомадгўй республика раҳбарлари Марказга яхши кўриниш учун ўз давлат арбобига, ўз халқига хиёнат қилдилар. Улар тарих саволидан, виждон азобидан, халқ қаҳридан кўркмадилар-ми? Бундан оғир адолатсизлик туфайли Ш.Р.Рашидовнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва бутун халқимиз қалбига оғир жароҳат етказилди. Унинг устига, “Шароф Рашидовчилик” деган сохта уйдирмалар ҳам “Марказ” томонидан ўйлаб топилиб, бу билан Ш.Р.Рашидов хотирасини топтаб, ўзини ёмонотлиқ қилдилар.

Тарихдан маълумки, агар давлат мустақил бўлмаса, бундай таҳқирлашлар ва адолатсизликларнинг бўлиши табиий ҳолат. Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганларидек: “Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳаттоки шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин.”

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақиллигига қадар “Марказ” томонидан Ўзбекистонга нисбатан шундай сиёсат олиб борилди. Халқимизнинг кўплаб фидоий фарзандлари истаганча таҳқирланиб, инсоний шаънлари эса топталди.

Шароф Рашидов жуда мураккаб ва оғир йилларда республикага қарийб чорак аср етакчилик қилди. У раҳбарлик қилган йилларда ўзбек номини улуғлаш учун, унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо этгани ва Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов айтганларидек, “Ўзини тарбиялаб вояга етказган халққа ҳаётини, бутун борлигини тиккани” учун халқимиз юрагидан муносиб ўрин эгаллади, унинг меҳрига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидоий фарзанд эди.”

Шароф Рашидов ўзининг ажойиб фазилатлари- поклиги, самимийлиги, одамийлиги, меҳр-оқибати, жонкуярлиги, фидойилиги ва Ватанга садоқат билан катта-ю-кичикка ибрат эди. Марказий Комитетда қарийб тўрт йил бирга ишлаган Жиззахлик Аскар Азимов у кишидаги раҳбарлик санъати ва маҳорати ҳақида: “.... бой хотира, санъати ва маҳорати, раҳбарлик иқтидори ва зукко салоҳияти биринчи суҳбатдаёқ сезилиб туради... Ҳар бир ҳатти-ҳаракатда оқсоқолларга хос нуронийлик, меҳр, диққат-эътиборимизни тез мафтун қилар эди.” – деб эслайди. Таъкидланганидек, Ш.Рашидов ниҳоятда иқтидорли ва барча соҳаларда истеъдодли инсон эди. У теран тафаккури ҳамда чуқур билими билан нафақат давлат арбобларини, балки сиёсатчилар, дипломатлар, хўжалик ходимларини ҳам хайратда қолдирар эди.

Маълумки, Ш.Рашидов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган қарийб чорак аср республикамиз тарихида оғир ва мураккаб давр бўлишига қарамасдан, ўзининг олиб борган оқилона сиёсати ва донишмандлиги туфайли мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги, саноати, илмий салоҳияти ривожланиб, Ўрта Осиёнинг кўзга кўринган республикалардан бирига айланди. Чунончи, “1976-1981 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқариш деярли 30 фоизга ўсиб, Олмалик ва Самарқанд Минерал ўғитлар заводлари ... ва умуман, 100га яқин саноат корхоналари ишга туширилди.”

Бу йилларда Хива гилам камбинати, Қувасой чинни заводи, Андижон, Бухоро, Марғилон тўқимачилик камбинатлари, Урганч, Гулистон ёғ заводлари қурилиб, ишга туширилди. Республикамизда рангли металлургияни ривожлантиришда ҳам Ш.Р.Рашидовнинг хизмати катта. Унинг бевосита ташаббуси билан 1962 йили Олмалик мисни бойитиш заводи, 1967 йилда эса Мурунгов олтин кони ишга туширилди. Бу билан Ўзбекистон “Оқ олтин хазинаси” деб келинган бўлса, ҳақиқий олтиннинг кони эканлиги исботланди.

“Мурунговда ҳар йили 18 млн тонна руда қайта ишланиб, дастлаб йилига 50 тонна олтин олинган бўлса, кейинчалик, бу кўрсаткич 70 тоннани ташкил этди ... Ўзбекистон дунёдаги энг йирик олтин ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан ўрин олди. “Кейин Олмалик комбинати, Ангрен, Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикалари қурилди””. Минг афсуски, Ўзбекистоннинг бу катта бойлигининг инъом-ихтиёри “Марказ” қўлида эди ва ҳаммаси Москвага олиб кетилар эди. Бу ўша давр Шўро тузумига хос бўлган табиий ҳолат эди.

Республикамиздаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектлар қурилиши шахсан Ш.Р.Рашидовнинг номи билан боғлиқ. У нафақат ўз даври учун, балки келажакда ҳам миллат ва Ватан манфаатини ўйлаган маҳоратли ва донишманд давлат арбоби эди.

Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида минглаб гектар қуруқ ерлар ўзлаштирилиб, пахтазорлар, бугдойзорлар, боғлар, янги шаҳар бунёд этилди. Бугунги кунда бу ҳудудлар халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоқда. У раҳбарлик қилган йилларда мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган Навоий, Зарафшон, Янгиер, Гулистон, Бустон, Ширин, Маржонбулок, Учқудук каби ўнлаб янги шаҳарлар қад кўтарди. Бу шаҳарларнинг бунёд этилишида Ш.Р.Рашидовнинг шаҳар лойиҳаларини тайёрлашдан тортиб то уларга чиройли ном қўйишда ҳам ҳиссаси бор.

Ш.Рашидов республикаимизнинг ҳамма ҳудудларида қурилган ва ободончилик ишлари олиб борилди. У ишлаб чиқариш кучларини равнақ топтириш йўлида тинимсиз меҳнат қилди.

Ўзбек халқининг фидоий етакчиси учун Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари азиз ва мўътабар эди. Бироқ, республика маркази - Тошкент унинг учун алоҳида меҳрига сазовор шаҳар эди.

1966 йилги зилзиладан сўнг янги Тошкентнинг бунёд этилишида Ш.Рашидовнинг хизмати беқиёс. Бу ҳақда кўп йиллар у билан елкама-елка ишлаган Ўзбекистонда фан арбоби, академик Оқил Салимов шундай ёзади: “1966 йилги зилзила оқибатида вайрон бўлган турар жойлар, маъмурий бинолар, корхоналарни тиклаш, бошпанасиз қолган ва яна узок ўлкалардан кўчиб келган одамларни уй-жой билан таъминлашнинг ўзи бўлмаган. Бугун пойтахтимизнинг метрополитен хизматидан фойдаланаётган, театрлару, музейлар, санъат саройлари ё сайилгоҳларда бўлган ҳар бир инсон Шароф Рашидовнинг порлок хотираси олдида ҳурмат бажо этади.” Шароф Рашидов Тошкентни Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантиришга ҳаракат қилди. Халқимиз зилзиладан кейинги янги Тошкентнинг бош меъмори Ш.Р.Рашидов деб бекорга айтмайди.

Ш.Рашидов раҳбарлиги йилларда Тошкентда академиклар шаҳарчаси, университетнинг янги биноси мажмуаси, ТошМИ шаҳарчаси, Тошкент цирк биноси каби кўплаб иншоотлар қад кўтарди.

Шароф Рашидов эришган улкан ютуқлардан бири шундаки, унинг ташаббуси билан 1971-1977 йилларда “Ўзбекистон Совет Энциклопедияси” 14 жилдда босилиб чиқди. Ўша даврда миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистон тарихига 10 йиллик ўқув дастурларида атиги 22 соатгина ажратилган эди. Бу давлат раҳбарининг ўша давр шароитига қарамасдан, тарихимизга бўлган ҳурмати, қизиқиши ва эътиборидан далолат эди.

Шароф Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатида, ўзбек халқини дунёга танитишда хизматлари бекиёсдир. Жаҳонда “Тошкент руҳи” сифатида машҳур бўлган тушунча Шароф Рашидовнинг номи билан бевосита боғлиқдир. У киши республика раҳбари бўлган йилларда “Ўзбекистон турли хил Халқаро форумлар ўтказиш жойига айланди. Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари халқаро кинофестивали ҳамда Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси Тошкентда тез-тез ўтказилиб турилди. Тошкентда 1958 йил 7-13 октябрда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг халқаро Тошкент конференцияси ўтказилди. 1968 йилда эса илк бор Тошкентда ўтказилган кинофорум анъанавий характерга эга бўлиб, ҳар икки йилда нишонланадиган бўлди ва 1968 йилда 1988 йилгача бўлган давр мобайнида 10 та кинофестивал ўтказилди”.

Бундай кинофестивал ва форумлар ўтказиш натижасида бутун Шарқда Тошкент шахрининг маъқеи кўтарилиб, “Тошкент руҳи” атамаси сиёсий муносабатлар тарихида муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбекистонда муҳим халқаро форумлар, ижтимоий-сиёсий саммитлат, фестиваль ва йирик спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри мунтазам равишда кўплаб давлат бошлиқлари, махсус халқаро институтлар вакиллари ўзига жалб қилувчи, минтақавий саммит ва форумлар ўтказиладиган шаҳарга айланди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси фан ва маданият арбобларининг ижодий кечалари Ўзбекистонда ўтказила бошланди. “Тошкент марказий Осиёнинг рамзий пойтахтига айланди. Бежиз эмаски, Бирлашган Миллатлар Тошкентни Тошкент махсус “Тинчлик элчиси” мақоми билан тақдирлади.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Ш.Рашидовнинг ташқи сиёсатдаги моҳир дипломатик фаолияти ҳам тақсинга сазовордир. Дунёни янги жаҳон уруши хавфига олиб келган СССР, Куба ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ воқеа “совуқ уруш”нинг энг кескин инқирозларидан бири 1962 йилдаги Кариб инқироzi бўлди.

СССР раҳбари Н.Хрушчев Куба раҳбари Ф.Кастро билан музокаралар олиб бориш учун делегация раҳбари сифатида Ш.Р.Рашидовни танлади.

Аслида Н.Хрущёв 1957 йилда Ш.Рашидов билан бирга Ҳиндистон сафарида бўлиб, унинг моҳир дипломатлигидан ҳабардор бўлиб, бу мураккаб дипломатик топшириқни бажиришга ҳам ишончи комил эди. Ш.Рашидов бор дипломатик маҳоратини ишга солиб, қўйилган вазифани муваффақиятли бажарди.

Кўринадики, Марказий Америкада ўз мустақил йўлини танлаган Кубанинг тараққиётида ўзбек халқининг ардоқли фарзанди Ш.Рашидовнинг ҳам муҳим ҳиссаси бор. Ҳозир АҚШда яшаётган Ўзбекистон авиация соҳасининг фахрийси Р.Ғазиев ўз

хотираларида шундай ёзди: “Марказий Америкадаги Кубага бағишланган деярли барча нашрларда Ш.Рашидов ҳақида икки давлатни яқинлаштиришдаги унинг роли, журналистик ва ёзувчилик фаолияти тўғрисида, чўл ерларни ўзлаштиришдаги ҳиссаси ҳақида маълумот берилади. Ф.Калтро ўз таржимаси ҳали бағишланган “Менинг ҳаётим” китобида ҳам бир неча саҳифасини Ш.Рашидовга бағишлайди.”

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ш.Рашидовнинг Ҳиндистон ва Покистон ўртасида ўзаро уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва икки давлат ўртасида тинчлик битимининг имзоланишида ҳам катта хизмат қилди.

1966 йил 4-10 январ кунлари Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида тинчлик битимини имзолаш учрашуви бўлиб ўтди. 1965 йилда Кашмир худуди хусусида Ҳиндистон ва Покистон ўртасида илк бора юз берган йирик можаро жаҳон урушига айланиб кетиш хавфини туғдирди. Тошкентга музокаралар учун Ҳиндистон Бош министри Лаъл Баҳодир Шастри ва Покистон президенти генерал Муҳаммад Аюбхон келдилар. Ҳар иккаласи ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг, улар ўртасида урушни тўхтатиш ва тинчлик битими ўрнатилишини эълон қилинди. Бу ҳужжат тарихга “Тошкент декларацияси” номи билан кирди. Декларацияда “икки тараф қўшинларини қуролли тўқнашувлар бошланишидан аввал бўлган позицияга қайтариш, дипломатик ваколатхоналарнинг тўлақонли фаолиятини қайта тиклаш, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида иқтисодий ва савдо алоқаларини давом эттириш” вазифалари белгиланган эди.

Тошкент декларациясининг имзоланиш икки қўшни давлат жанжали масалаларни ҳал бўлишда амалий асос бўлди. Ўзбекистон раҳбари ўзининг бу ташаббуси билан катта уруш хаворига барҳам бериб, икки қўшни давлатни муроСага келтириб, Жаҳонда тинчликни таъминлашга катта хизмат қилди.

Ватанимиз тарихининг қарийб чорак асрлик даври Ш.Рашидов номи билан боғлиқ бўлди. Ш.Рашидов давлат ва жамоат арбоби, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликнинг изчил тарғиботчиси сифатида шуҳрат қозонди. Хусусан, Осиё халқлари даврасида эъзозга мушарраф сиймолар сафидан ўрин олди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 18 ноябрида Жиззах вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувидаги нутқида “Шароф Рашидов Ўзбекистонни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқарган, юртимиз шаънига ҳам, ўз номига ҳам гард юқтирмасдан ўтган камтарин ва донишманд давлат арбоби, таниқли ёзувчи”, - деб таърифлаган эди.

Ш.Рашидов раҳбарлик қилган йилларида Ўзбекистон осойишталик ва дўстлик ўлкасига айланди. Илм-фан маданият ва санъатда, халқ хўжалигини ривожлантириш, курик

ва бўз ерларни ўзлаштириш, янги шаҳарлар саноат корхона, йирик суғориш иншоотлари барпо этиш каби ўнлаб соҳаларда унинг хазмати катта.

У ўз Ватанининг тараққиёти, халқининг фаровонлиги йўлида “Марказ”нинг қаршиликларига қарамай, бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, ҳаётининг охиригача фидойилик билан хизмат қилди, бутун борлигини, ҳатто азиз жонини бағшида этди.

Ўзбекистоннинг жонкуяр йўлбошчиси Шароф Рашидов вафотидан кейин республикада оғир вазият юзага келди. Ўзбекистонга “Жиноятчиликка қарши курашиш” ниқоби остида собиқ марказдан кетма-кет турли тергов гуруҳлари ташланди. Республикадаги раҳбарлик лавозимларига собиқ Иттифокнинг турли жойларидан кадрлар оқиб кела бошладилар. Бунинг устига, бутун республикада “Пахта иши” ва “Ўзбеклар иши”, деб юзсизларча номланган терговлар бошланиб кетди. Гдлян ва Иванов гуруҳлари ўзбекистонликларга нисбатан, қонунсиз, бешафқат терговларини бошлаб юборди. Уларнинг зўравонлиги оқибатида судлар адолатсиз ҳукмлар чиқардилар.

Хуллас, “1989 йилгача бу ишлар бўйича 4,5 минг нафардан кўпроқ киши судланди... судланганларнинг мингдан ортиғи жазони ўташ учун Сибирь қамоқхоналарига жўнатилди. ҳибсга Олинганлар тергов усулларига дош беролмай, ўз жонларига қасд қилишгача бориб етдилар” .

Ўша даврда бутун республика таҳлика, халқимиз эса қўрқув остида қолган эди.

Маълумки, Ўзбекистонда бундай мудҳиш воқеалар давом этаётган даврда ЎзКомпартия Марказий Комитети биринчи секретарлигига Усмонхўжаев сайланган эди. У республика ва халқни бошига тушган тухмату кулфатлардан қутилириш ўрнига, ўз мансабини сақлаб қолиш учун Москвадагиларга яхши кўриниш мақсадида лаганбардорлик қилиб, Ўзбекистондаги кадрлар билан ишлаб бўлмайди, шунинг учун Россиядан Ўзбекистонга кўпроқ кадрлар юборинглар” , деб илтимос қилишдан ҳам тоймайди.

Хуллас, ўша даврда бутун республика оғир вазиятда, ўзбек халқининг ғурури топталаётган, эртанги кунга ишончи йўқолган, ваҳима ва таҳлика, қўрқув билан яшаётган бир пайтда халқнинг дардларига дармон бўлиб, Ўзбекистон Республикаси раҳбарлигига И.А.Каримов келди.

Минг шукрлар бўлсинки, даҳшатли ва ёвуз кунлар, ноҳақ қатағонликлар барҳам топиб, ўзбек халқининг ва унинг фидойи фарзанди Ш.Рашидовнинг ич-ичидан интилиб кутган ёруғ кунлар бошланди. Ўзбек халқи ўзининг йўлбошчиси И.Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда давлат мустақиллигини қўлга киритди. Буюк аждодларимиз

ва халқимизнинг асрий орзуси амалга ошди. Ўзбек халқининг қадди кўтарилиб, ғурури тикланди. Ўзбекистон тарихида ва ўзбек халқининг ҳаётида янги давр бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг иккинчи йилидаёқ, Ш.Рашидовнинг 40 йилга яқин Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматларини эътироф этиб, унинг ҳалол ва покиза номини тиклаб, Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Буюк давлат арбоби Ш.Рашидовнинг 75 йиллик таваллуд айёмлари республика пойтахти ва барча вилоятларда кенг нишонланди.

Ш.Рашидов номи хўжаликлар, районлар, шохкўчалар, мактабларга қайтариб берилди. Шароф Рашидов туғилиб, вояга етган Жиззах шаҳри марказида эса бу буюк давлат арбобининг ҳайкали қад кўтарди. Бу бугунги авлоднинг атоқли давлат ва жамоат арбоби ва таниқли ёзувчисига бўлган эҳтироми, ҳурмат ва меҳрининг рамзи эди. Бу билан ўзбек халқи номига қўйилган барча “айблов”ларга ҳам барҳам берилди. Адолат қарор топиб, ўзбек халқи ўзининг буюк фарзанди ва унинг безовта руҳи олдидаги муқаддас бурчини бажарди.

Ш.Рашидов 1994 йилда (вафотидан кейин) Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройи меъморий мажмуаси учун қурилиш ғоясининг муаллифи, ижодий раҳбари сифатида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Биринчи Президентимиз бошлаган оқилона сиёсатини давом эттириб, “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарорни қабул қилдилар.

2017 йилнинг ноябрида атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Ш.Рашидов таваллудининг 100 йиллиги бутун мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Жиззах вилояти, Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди ҳамда туман марказида унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси ва муҳташам ҳайкали ўрнатилди. Жиззах вилояти театри биносида катта тантанали йиғилиш бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев иштирок этдилар.

Жиззах шаҳри марказида ва у киши ўқиган мактабда Шароф Рашидов музейи фаолият кўрсатмоқда.

Муҳтасар қилиб айтганимизда, Ш.Рашидовнинг ўзига хос мураккаб даврида Ўзбекистонга қарийб чорак аср етакчилик қилди. У улкан давлат арбоби сифатида бутун фаолиятини ўзбек номини улуғлашга ҳаётини бахшида қилди. У ўз даврининг йирик давлат арбоби, доно сиёсатчиси, тадбиркор раҳбари эди. Ш.Рашидов Ўзбекистон муаммоларини умумиттифоқ манфаати даражасига моҳирлик билан кўтара олган ва шу

йўл билан республика учун доимий қўшимча олишга эришган. Қозоғистон компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ биринчи котиби Д.Кунаев шундай хотирлайди: “Бу мулойимгина кирғиз қовоқли, чинор бўйли ўзбек ўғлониди Амир Темурнинг хайбати бор эди”. Салобатли бу инсоннинг қувлиги ҳам, донишмандлиги ҳам етарли эди. Марказ “пахта бер” дер эди, Ш.Рашидов эса Сибирь дарёсини берасан, деб шарт қўярди”. Дарҳақиқат, Сибирь дарёсини Ўзбекистонга олиб келиш Ш.Рашидовнинг улкан орзуси эди .

Шароф Рашидов халқ дарди ва ташвиши билан яшаб, кабинетда ўтириб ишлашни ёқтирмас эди. У доимо одамлар орасида бўлишни, халқ ҳаётини яқиндан билишни истар эди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам қайси вилоятга борсалар, қанчалик ишлари кўп бўлишга қарамасдан, хонадонларда бўлиб аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишадилар, бошқа вилоят, туман раҳбарларидан ҳам фақат кабинетда ўтирмасдан, одамлар ҳаётидан хабар олиши, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тинглаши талаб қиладилар. Зеро, шубҳасиз, давлат раҳбари, халқ етакчиси шундай фазилатга эга бўлсагина, унинг меҳрига сазовор бўлади.

Республикаимиз тарихининг қарийб чорак аср даври Ўзбекистон раҳбари Ш.Рашидов даври билан боғланган. Ҳозирги ёш авлоддан узоқ бўлган бу даврни холисона ёритиб бориш, атоқли давлат арбоби Ш.Рашидовнинг тарихимиздаги ўрнини тушунтириш асосий вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганларидек: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади” .

Дарҳақиқат, ўзбек халқи ўзининг бой тарихи ҳамда улуг аجدодлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бу тарих зарварақларида ўзбек халқининг ардоқли ва фидойи фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов ёзганидек, халқимиз буюк давлат арбоби ва таниқли ёзувчи Ш.Рашидовни номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиб эслайди:

“Қуллуқ, Шароф ота, минг бора қуллуқ,
Боқий Ўзбекистон сизга ҳам ёдгор,
Бугун у истиқлол шавқига тўлиқ,
Хизматингиз эслар такрор ва такрор” .

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби ва таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонимиз, халқимиз учун қилган фидойи хизматларини ҳамда ҳалол ва покиза номини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Абдуллаев Р., Рахимов М., Ражабов Қ. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
4. Муртозоева Р.Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т. “УАЖБНТ” маркази. 2003.
5. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. Т.: “Ғ.Ғулом” нашриёти. 2001.
6. Илашев Абдуғани. Давр нафаси. Тошкент. “Мухаррир”, 2013.
7. Рашидова С, Рашидова Г, Жабборов Ш. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. Т.: “Маънавият”. 2017.
8. Носиров У. Шароф Рашидов – давр фарзанди. Т.: “Фан”, 1992.
9. Носиров Ў., Носиров Б. Ҳар қаричи азиз гўшалар. Тошкент., “Тафаккур”, 2017.
10. Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017.